

Шавкат МАВЛОНОВ,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

МАДАНИЯТНИ АСРАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ КАФОЛАТИ

Ўзбекистонда маънавий ҳаёт ривожланишнинг узоқ тарихи шундай гувоҳлик берадики, турли тарихий даврларда бу соҳада турлича сиёсат юргизиш келинган. Бундан сиёсат таъсирида, айрим даврларда маънавий юксалтиришга эришилган бўлса, айрим даврларда эса жамият ҳаётида турғунлик рўй берган. Агар Исмоил Сомоний, Амир Темур, Улуғбек, Бобур Мирзо, Алишер Навоий, Ҳусайн Байқаролар ҳукмронлик қилган йилларда, улар олиб борган сиёсат натижасида Ўрта Осиё халқларининг маънавий ҳаёти раванг топиб борган бўлса, мўғуллар, шайбонийлар ҳукмронлиги йилларида эса маънавият соҳасида турғунлик ҳоллари рўй берган.

Маънавият ва маърифат бугунги маданиятнинг омон қолиши ва ривожланишининг муҳим кафолати ҳисобланмоқда. Ҳозирги кунда жамиятнинг ҳар бир соҳасида жисмоний ва ижтимоий-сиёсий воқеликлар билан бир қаторда маънавиятнинг аҳамияти беқиёс эканлиги илмий-амалий жиҳатдан ўз исботини топмоқда. Ижтимоий-сиёсий нуқтаи-назардан маънавият нафақат ижтимоий-сиёсий реалликлар балки уни англашга интилаётган субъектнинг феноменал қобилиятларини ифодаси сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

Айни шу ўзгаришлар силсиласида маънавият инсон сиёсий моҳиятининг атрибутив хусусияти, субъектга тегишли бўлган, сиёсий ўзгаришларга киришиб кетиш кўникмаси ва интилишлари, ўтмиш авлодларнинг бошқарув

тажрибаларини амалда қўллашдаги ўзига хос сиёсий воқелик сифатида инъикос этмоқда. Шунинг учун ҳам инглиз руҳшуноси Чарльз Хартон “Ўзининг сиёсий хулқи, ҳатти-ҳаракатлари ҳақида фикр қилувчи индивид учун ягона раҳнамолик қилувчи бирдан-бир тамойил унинг виждонидир. Унинг учун виждон бу ҳақиқат, охириги инстанциядир уни ўзгартириш ўз-ўзини ахлоқий жиҳатдан ўлдириш билан баробар” деб ёзади. Бундан маълум бўладики, ҳар қандай ижтимоий-сиёсий тузум талабидан қатъий назар маънавиятнинг тарихий ўзгарувчан характерини инсонпарвар мақсадлар сари етакловчи ҳодиса виждон ҳисобланар экан. Дарҳақиқат, виждон тушунчаси субъектнинг доимий равишда амалга ошириладиган танлови, инсоннинг одатий имкониятлари чегарасидан чиқиб кетувчи, қадриятлар ва идеалларга трансцендентланиши жараёнида юзага келувчи маънавий ҳолатини ифодаладиган ахлоқий категориядир. Айнан виждон орқали инсон маънавиятининг муҳим қирралари акс этади.

Маънавиятнинг тарихий аҳамиятини англаш субъектнинг ўз-ўзига оқилона муносабати ва ўзининг бетакрор қобилиятини ҳис қилиш орқали амалга ошади. Шу маънода, маънавий воқеликни англаш усули субъектнинг ўзига хос қадрият, маънавий ҳиссиётларини билиш асосида юз беради. Маънавиятнинг тарихий ўзгарувчан характерини англашда субъектнинг шаклланиши билан боғлиқ ва шунинг учун ҳам у томонидан маънавий тажриба жараёнида қўлланилиши, унинг ўзига хос атрибутив хусусиятини акс эттириши мумкин. Шунингдек, маънавият нафақат одамлар тафаккурининг тизимли ўзгаришларига олиб келади, балки сиёсий ҳаётдаги тизимли ўзгаришларни амалга оширишга хизмат қилади. Бунда маънавиятнинг мавжуд сиёсий тузум талабларидан келиб чиққан ҳолда тасдиқлаш механизми, уни универсallasштириш мезони устувор аҳамият касб этади. Аксарият ҳолларда маънавият ва сиёсат бошқа, жисмоний ва ижтимоий тизимлардан тамоман фарқ қилувчи координатлар тизимини юзага келтиради, ва айнан шунда маънавият ҳодисасининг қиймати сиёсий ўзгаришлардаги аҳамиятига қараб белгиланиши мумкин. Олиб борилган тадқиқот шуни кўрсатдики, XX-XXI асрлар доирасида нафақат маҳаллий балки халқаро муносабатларда ҳам маънавиятнинг

аҳамиятини ошиб бориши бу муаммони янги сиёсий талаблар асосида ўрганишни тақозо бермоқда.

Ижтимоий-сиёсий муносабатларда маънавиятнинг мавжудлиги ва уни бошқариш тизимини англашнинг янги шакллари юзага келишига имкон беради. Бу борада маънавиятнинг ривожланиши умумий объектив қонуниятларга эга: сиёсий манфаатларни амалга оширишга интилиш, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари фаолиятдан маъно излаш, янги сиёсий қадриятларга ишонч ва уларни танлаш, ўзлаштириш эҳтиёжи ва бошқалар шулар жумласидандир. Айниқса, маънавият инсонни жамиятда мавжуд сиёсий тартибларга мослаштириш усули ҳамдир. Чунки айнан инсон ижтимоий муҳитда ўз эҳтиёжларини қондириш ва ўз имкониятларидан фойдаланиш йўлини топади. У айнан шу ерда ўз ҳис-туйғуларини, табиат ато қилган самимийлик, дўстлик меҳрибонлик, бағрикенглик ва изтироб чекиш фазилатларини кўрсатади. Шунинг учун ҳам сиёсий муносабатлар тизимида қандай хулқ-атвор мақсадга мувофиқ бўлишини англаш учун инсоният маънавиятини энг муҳим даражаларини кўриб чиқиш керак бўлади. Бу каби имконият – комил инсонни вояга етказиш билан характерланади. Уни тарбиялаш инсониятнинг ва ҳар бир индивиднинг жисмоний, техник ва манавий жиҳатларининг тўлиқ пайдо бўлиши билан боғлиқ.

Маънавий йўл билан бир қаторда инсоният маънавиятсиз йўлга ҳам тушиши мумкин. Маънавиятсизлик алоҳида шахслар томонидан инсониятга мажбуран сингдирилади. Маънавиятсиз йўл инсониятнинг мавжуд бўлиши учун ўта хавфлидир. Ундан ҳар қандай усул билан бўлса-да қочиш зарур, буни ҳуқуқий ва моддий тўсиқлар қурган ҳолда, жамиятни маърифатга етаклаган, одамларни инсониятнинг маънавий бойлигига олиб кирган ҳолда амалга ошириш зарур.

Сиёсий мақсад маънавиятчиликнинг айрим тизимида, яъни дунёқараш тизими орқали ифодаланади. Шунинг учун ҳам Н.А.Бердяев “маънавият бу ҳаёт бутунлиги”, деб таърифлаган. Фалсафа ва динлар тарихи бизга маънавият тушунчаси остида умумлаштирилувчи кўплаб қимматли топишмалар тақдим қилади. Маънавият ва маърифат ундан фарқли равишда мақсад ва қадриятлар ҳақида аниқ

шакллантирилган тушунчаларни талаб этади. Масалан, юксак маънавият турли давлатлар сиёсий раҳбарларини Ер юзидаги ҳаёт учун жавобгарликни ўз бўйнига олувчи ақлини ҳам ифодалайди.

Бош Ассамблея 72 сессиясидаги Ўзбекистон Республикаси Президент Шавкат Мирзиёевнинг нутқида БМТнинг глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал этиш, терроризм, экстремизм, наркотрафик, уюшган жиноятчилик ҳамда бугунги куннинг бошқа хавф ва таҳдидларига қарши курашишда тутган ўрнини алоҳида қайд этди. Зеро, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ушбу муаммоларни бартараф этишнинг ишончли воситаларини, мукамал дастурларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда, катта микдордаги маблағлар ажратилмоқда. Бундай глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш жараёни илм-фан, техника тараққиёти билан биргаликда инсон маънавиятига ҳам ўзининг сезиларли таъсирини кўрсатмоқда. Айни шу мазмундаги турли даражадаги муаммолар кишилиқ жамияти истиқболига бўлган таҳдидларига қарши бўлган янгича тафаккур услуби қадриятларни ҳолисона моддий ва маънавий тараққиёт талабларига мос саралашни тақозо қилади. Бу эса ўз навбатида шахслар, турли миллат ва динлар вакиллари, маданиятлар ўртасидаги барқарор мулоқот иштирокчи томонларининг ҳар бири учун қимматли бўлган қадриятларни саралаб олишга кенг имконият яратмоқда. Айниқса, С.Отамуродов таъкидлаганидек, “Миллат, унинг кадр-қиммати, ор-номуси, ғурури муқаддас ҳисобланади. Чунки, миллат реал шахслар орқали намоён бўлади. У тил, урф-одат, анъаналар, қадриятлар ўзликни англаш руҳияти умумий бўлган шахслар мажмуидан иборат. Агар айрим шахсларнинг ор-номуси, ғурури, кадр-қиммати унинг ўзи билангина боғлиқ бўлса, миллат шаъни уни ташкил этадиган шахслар билан боғлиқ бўлади”.

Бугунги мураккаб глобаллашув даврида маънавият соҳасида вужудга келаётган долзарб муаммолар, халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлоднинг қалби ва онгини турли зарарли ғоя ва мафкуралар таъсиридан сақлаш ва ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилмоқда.

Шунингдек, жамиятнинг маънавий-ахлоқий муҳити одамларнинг ўзаро муносабатлари ва ўзаро ҳамкорлигининг натижасидир. Маънавиятни қарашларнинг уйғунлашган тизими, инсоннинг ҳаётий мақсадларини моддийлаштира олувчи тартибга келтирилган дунёқараш сифатида акс эттириш мумкин. Замонавий маданиятшунослик қайд этишича, “охирги вақтларда ижтимоий лексикада маънавият тушунчаси дунёқарашни, шахснинг ҳаётга йўналтирувчи сабабларини белгилаш учун қўлланилади”, деган фикр мавжуд. Яъни принциплар, қарашлар, қадриятлар, идеаллар, эътиқодлар тизимига эга бўлган ҳолда инсон, ижтимоий гуруҳ, жамият ўзлари учун воқеликка бўлган муносабатни, ўз фаолиятлари йўналишини, ҳаётий муҳим мақсадларни аниқлаб оладилар. Шу боис асосий масала инсоннинг шахсий мақсад-муддаосини аниқ белгилаб, уни жамиятнинг умумий мақсад-муддаоси билан уйғунлаштириш ва бунинг натижасида инсонни маънавий янгилашга эришишдан иборатдир. Шу нуқтаи-назардан қараганда, маънавий қадриятларнинг қиймати прагматизм доирасида катта қийматга эга эмас, ва айнан улар учун қабул қилинган ушбу манфаатпарстлик мулоҳазалар сабабли улар рад этилиши мумкин. Фақатгина абадиёт каби олий мақсад инсонни ҳақиқий маънавий юксак мавжудотга айлантириши мумкин. Шу бобда дин арбоблари маънавият ва маърифат – бу фақатгина диний тушунча, деб даъво қилдилар. Бироқ бу каби қараш маънавият ва маърифатнинг фақатгина бир турини уни илдизларидан ажратиб олган ҳолда бошқаларидан ажратади. Айни шу маънода, фалсафий ёндашув маънавиятни кенгрок, унинг табиатини, генезиси ва тизимли хусусиятларини очиб берган ҳолда ўрганиш имконини яратади.

Инсон мулоҳазаларининг энг олий босқичи маънавият учун ҳам ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган идрокдир. Иммануил Кант идрок тушунчасини англаш, тафаккур қилиш мумкин бўлган барча нарсаларни умумлаштириш имкониятига эга бўлган тушунча сифатида очиб беради. Кант идрок “тизимли тафаккурни, яъни билимларни бир принципга кўра боғлашни” амалга оширишга интилади, деб ҳисоблаган. Мақсад ва моҳият фақатгина тизим доирасида таърифланади, ва идрок бир вақтнинг ўзида ҳам қобилият ва тизим талабидир. Кант шундай

дейди: “Тизим – бу бир ғояга бирлаштирилган кўп турли билимларнинг бирлаштирилишидир”. Бу ерда ғояни мақсадга эришиш учун ҳаракат траекторияси сифатида ифодалаш мумкин.

Маънавият инқирози бугунги кунда бевосита аксиология муаммолари билан боғлиқ: қадриятлар табиати муаммоси билан, қадриятга оид абсолютлар (бутун мавжудотнинг азалий ва абадий ўзгармас бирламчи асоси – рух, худо) ва уларнинг мезонлари муаммолари билан, қадриятга оид моҳиятларни англаш ва ўзлаштириш муаммолари билан, миллий ва умуминсоний, шахсий ва жамоавий қадриятларнинг ўзаро нисбати масалалари билан боғлиқ. Маънавият инқирози шунингдек, улар ҳақда фан фақатгина билвосита далиллар, яъни ички кечинмалар асосида тахмин қилиши мумкин бўлган жамики одоб-ахлоқ, муқарралик, эркинлик маънавий идеал соҳалари ўзи билан қандайдир ғайритабиий ва ҳаттоки илоҳий воқеликни акс эттиришини тасдиқлаган Кант номи билан боғлиқ.

Ҳозирги даврда маънавиятга бўлган замонавий қарашларда субстрат ва инфор­мацион дуализм намоён бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозирги даврдаги ялпи компьютерлаштиришни «рўй бераётган техник инқилоб рамзи ва ифодаси» деб қараб, америкалик файласуф Д.Белл унда шаклланаётган «постиндустриал» жамият шакл-шамойилларини кўради. Унинг фикрича, «асосий белгилар» – моддийлик (яъни ишлаб чиқариш соҳаси) ва маънавият (маданий институтлар соҳаси) ички қарама-қаршиликка эга бўлади. Бу жараён эса «ахборотлашган» жамиятнинг емирилиши ҳавфини пайдо қилади. Сўнгги йилларда бунга қарама-қарши концепция – технофобия, яъни техниканинг барча соҳаларни қамраб олишидан қўрқиш концепцияси ҳам тарқалмоқда.

Инсон фан-техника тараққиёти исканжасида ўзини ожиз кўғирчоқдай ҳис қилади. Шу нуқтаи назардан фан-техника тараққиёти шу қадар кенг кўлам касб этмоқдаки, жамият назорати ости­дан чиқиши ва цивилизацияни вайрон қиладиган кучга айланиши, инсон яшайдиган муҳит – табиатга ва инсоннинг ўзига катта зиён етказиши мумкин. Бу бутун инсониятни ташвишга солмоқда, чунки қайтариб бўлмайдиган даҳшатли куч хусусиятини касб этмоқда. Д.Беллнинг ушбу концепцияси антисциентизм таълимотида

Ўз ифодасини топган. Шакл-шамойиллари эндигина намоён бўлаётган жамият шу билан тавсифланадики, унда ахборот ва билимлар алоҳида, муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ энг ривожланган мамлакатларда саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг асосий соҳалари, алоқа ва коммуникациялар, маиший хизмат кўрсатиш, дам олиш, таълим ва маънавий ҳаёт асосан техника ютуқларига таянмоқда, уларга фан тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Билимларни излаш, яратиш, ўстириш ва сақлаш, уларнинг маъносини ўзгартириш, кўпайтириш ва тарқатиш одамлар фаолиятида тобора кўпроқ ўрин эгалламоқда. Ахборот қимматли маҳсулот ва асосий товарга айланиб бормоқда.

Тоффлер эса Д.Белл каби фан ва техника тараққиётига салбий ҳодиса сифатида қарамасдан, балки бу тараққиётни инсонпарвар манфаатлар билан уйғунлаштиришни таклиф қилади. Шу маънода у «юмшоқ технология», «экологизм», «гуманизм ва маданиятнинг маънавий қиймати» хусусида ўз қарашларини илгари суради. Тоффлер фикрича учинчи тўлқин жараёнида ижтимоий турмуш тарзи тубда ўзгаради, яъни бунда шахснинг эҳтиёжини қондиришга катта эътибор берилади. Бу эса инсонни билиш қобилиятни ўзгартириб, уни ижодкорлик томон йўналтиради. Охир оқибат эса инсонда шижоаткорлик, уддабуронлик, тадбиркорлик, ташаббускорлик каби ижобий маънавий-ахлоқий сифатлар шаклланади. Ўз даврида айни шу қарашлари асосида Тоффлер “глобал трендларнинг ўткир кузатувчиси ва башоратчиси” сифатида тан олинган. Тоффлер Ғарб мамлакатларидаги давлат бошқаруви, иқтисодиёт ва оила инқирозининг барча сабаб ва оқибатларини олдиндан башорат қилган. Футуролог интернет, персонал компьютерлар, кабель телевидениеси ва ҳаттоки клонлаштиришни инсоният ҳаётига соладиган хавфни тўғри прогноз қилган.

Маънавий соҳанинг муайян қисмини дин, эътиқод билан боғлиқ қарашлар ташкил этади. Бу жараёни америкалик машҳур сиёсий арбоб Сэмюэл Хантингтон ўзининг “Тамаддунлар тўқнашуви” борасидаги концепциясида атрофлича тўхталиб ўтган эди. Унинг фикрича, айнан дин жамиятни бирлаштириш ва интеграциялаштиришга хизмат қилади. Бироқ дин ва сиёсат соҳасидаги бирлашувни ташкил

этиш анча мураккаб ҳисобланади. Чунки агар диннинг таъсир доираси ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришларга жиддий аралашини тақозо этаётганлиги кузатилса, ижтимоий ва миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқишига, жамиятдаги маънавий барқарорликка путур етиши мумкин.

Бугунги кунга келиб экстремизм фаоллашиб, унинг миқёсий мақсадлари тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, мафкура майдонларида геосиёсий кучларнинг Ислом ва Христиан динларини ниқоб қилиб олишга интилаётганлигини инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Сэмюэл Хантингтон “Ислом дини номи билан иш кўрувчи, дунё миқёсида халифаликни ўрнатмоқчи бўлган жангари ақидапарастларнинг кўпгина мамлакатларда (Афғонистон, АҚШда ва б.) содир этган қонли террорчилик хуружлари Ғарбдаги дунёга хукмронлик қилиш орзусидаги сиёсий кучларга Исломни жаҳон тамаддунига хавф солувчи куч қиёфасида кўрсатиш учун дастак бўлиб хизмат қилади. Ва улар Исломни қоралаш баробарида Христиан динини бундай хавфга қарши турадиган ва ундан халос этадиган бирдан - бир куч, омил дея талқин қилишга киришадилар” деб ёзади.

Маънавият ва маърифат доимо халқимиз маданиятини дунёнинг бошқа маданиятларидан ажралиб туришига сабаб бўлмоқда. Маънавият маданият ютуқларини ўстириш жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Ушбу жараён ночизик табиатга эга. Ҳар доим ҳам “сифат сонга” айланмайди, айрим ҳолатларда “маданий жарлик”лар пайдо бўлади. Шундай қилиб, “уруш”га айланиб кетувчи тажовузор текинхўрлик ҳодисаси ҳозирга қадар ҳам тўлиқ ўрганилмаган, бу ҳолда инсониятнинг маънавий ишланмалар улоқтириб юборилади ва бузилиб кетади. Бу эса ўз навбатида инсон моҳиятини ўрганиш муаммосини келтириб чиқаради. Инсоният ўз тарихи давомида, одам эса ўз шахсий ҳаёти давомида ўз шахсий моҳиятини англашга, Ер юзидаги ҳаётлари маъносини аниқлашга ҳаракат қилган. Табиатан инсон тугалланмаган ва ўзининг яшаб қолиши ва овқат, сув, ҳаво, кийим-кечак, хавфсизлик ва ҳимоя каби яшаш муҳитини таъминлаш учун сунъий яшаш муҳитини қуришга мажбур, аммо бу эҳтиёжлар уни ҳақиқий ҳаёт мазмунидан, инсонийликдан чалғитмаслиги лозим.